ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 81’366.54

ЎЗБЕК ТИЛИ КЕЛИШИК СИСТЕМАСИНИНГ ЎЗАРО ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК НЕЙТРАЛИЗАЦИЯСИ

З.М. Қодиров

Мақолада грамматик категориянинг энг қадимий ва рационал элементи саналган келишик системаси элементларининг ўзаро функционал-семантик муносабати ёритилган. Келишик категорияси элементларига тилшуносликнинг турли даврларида турлича ёндашилгани мазкур категория элементлари грамматик системанинг марказий элементи ва энг мунозарали категория эканидан далолат беради. Ўзбек тилшунослигида келишик категориясига амалий босқичда ёндашилган, ҳозирда эса назарий босқичда ёндашиш талаб қилинмоқда.


Калит сўзлар: *грамматик категория, функционал-семантик муносабат, нейтрализация, келишик, бош келишик, қаратқич келишик, контраст дистрибуция, эркин дистрибуция, эквивалент дистрибуция.*

В статье описываются функционально-семантические отношения между элементами падежной системы, которая является древнейшим и наиболее рациональным элементом грамматической категории. Различные подходы к элементам падежной категории в разные периоды развития лингвистики указывают на то, что они являются центральным элементом грамматической системы и, в то же время, самой противоречивой категорией. В частности, в узбекском языкознании падежная категория рассматривалась с эмпирической точки зрения, что показывает актуальность рассмотрения вопроса с теоретической позиции.

Ключевые слова: *грамматическая категория, функционально-семантическая связь, нейтрализация, падеж, именительный падеж, родительный падеж, контрастная дистрибуция, свободная дистрибуция, эквивалентная дистрибуция.*

Келишик системаси элементлари функционал-семантик жиҳатдан диалектик бирликдадир.

Ҳар бир грамматик система элементи (келишик) маълум маънолар системасига эга. Бир келишикнинг (масалан, жўналиш) чексиз (бирдан ортиқ) маънолари-дан биттаси бошқа бир келишик (масалан, тушум) нинг чексиз маъноларидан биттаси билан «кучсиз» позицияда функционал-семантик нейтраллашади. Система эле-ментлари ўзаро муайян шароитда муайян умумий шарт асосида тенг қимматга эга бўлиши керак. Жумладан, келишик системаси элементлари ҳам муайян шароитда, муайян белги асосида ўзаро тенг қимматга эга, яъни келишик элементлари ташқи шаклидан қатъи назар, моҳият эътибори билан, от ёки отлаш-ган сўзларга қўшилиб, уларнинг бошқа сўзлар билан синтактик алоқасини таъминлаш учун муайян вариантга хосланади ва бу хосланиш келишик элементларининг ўзаро функционал-семантик жиҳатдан нейтраллашишига олиб келади.



Берилган жадвалдан кўринадики, ўзбек тили келишик системасининг бирор элементи ажратиб олинса, иккинчи элементга путур етади, яъни жўналиш келишигининг чексиз маъно вариантларидан биттаси ўрин келишигининг чексиз маъно вариантларидан биттаси билан муносабатда туради. Ҳар бир келишик бошқа келишик билан тенг бўлган маълум шакл (система)ни ташкил қилади ва шу шакллар (системалар)нинг маълум тартибда жойлашуви маълум шакл (система) ни вужудга келтиради. Ҳар қайси келишик маънолари шу шакл (система) ичида яна шундай шакл (система)ларни ҳосил қилади. Бир келишикнинг битта маъноси ҳосил қилган шакли (системаси) бошқа келишикнинг бир маъноси ҳосил қилган шакл (система) билан конгурэнт бўлиши мумкин. Масалан, жўналиш келишигининг ўрин маъноси ўрин келишигининг ўрин маъноси билан:

Ҳадрага тушаман, (*ўрин, қаерга).*
Ҳадрада тушаман, *(пайт, қачон).*


Ёки жўналиш келишигининг чегара маъноси чиқиш келишигининг чегара маъноси билан:

Сув тиззага келади *(сувнинг кўтарилиш даражаси*).
Сув тиззадан келади *(сувнинг миқдори).*

Демак, ўзбек тилидаги мавжуд олтита келишик ўзаро бир-бири билан муайян шароитда муносабатга киришади, бу муносабат келишик элементларининг «кучли» ва «кучсиз» позициясида рўй беради. Агар келишик элементларидан биттаси кучли позицияда бўлса, ўзаро семантик муносабатга киришмайди, нейтраллашмайди, агар кучсиз позицияда бўлса, функционал-семантик жиҳатдан нейтраллашади. Биз қуйида келишик маъноларининг муайян позицияда функционал-семантик нейтраллашиш шартлари ва нейтраллашишнинг семантик даражасини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бунда Америка дескриптив лингвистикасининг дистрибуция методидан фойдаланамиз.


Тилнинг дистрибутив структураси кашф қилиниши Америка структур тилшунослигининг катта ютуғи бўлди. Бу йўналиш дунё тилшунослиги тарихида дескриптив лингвистика номи билан машҳур бўлди. Бу йўналиш асосчилари Франц Боас [1. Б. 170–180], Эдвард Сэпир [2, 3], Леонард Блумфильд [4. Б. 200–208, 5] ҳисобланади. Дескриптив методнинг асосини диструбициялар (элемент, конструкция, бирикма...) ташкил қилади. Тил системаси элементлари (товуш, сўз, сўз шакл, сўз бирикмаси...) дистрибуцияси деганда, нутқ актида учровчи бир ном остидаги қуршалган, муайян мақсадга хосланган элементлар қиммати тушунилади. Ю.Степанов дистрибуцияни уч типга бўлади [6. Б. 230–234]:

1) икки элементнинг умумий дистрибуцияси чоғиштирилганда, ҳар икки элемент бир қимматга эга бўлган контекст бўлмаса, **қўшимча** дистрибуция ҳисобланади:




Нонни олинг *(ҳаммасини олинг).*
Нондан олинг *(қисм олинг).*

2) элементлар муайян контекстда умумий бир қимматга эга, лекин ички фарқ мавжуд бўлса, **контраст** дистрибуция ҳисобланади.



Анвар мактабга келди *(келиш).*
Анвар мактабдан келди *(кетиш).*


3) элементлар муайян қуршовда қиммат жиҳатдан фарқланмаса, **эркин** дистрибуция ҳисобланади:




Ҳадрага тушаман *(ўрин, қаерга).*
Ҳадрада тушаман *(пайт, қачон).*

Англия структур тилшунослигининг таниқли вакили Жон Лайонз дистрибуцияни тўрт типга ажратади [7. Б. 86]:

1) икки (ва ундан ортиқ) элемент муайян контекстда бир қимматга эга бўлса, **эквивалент** дистрибуция ҳисобланади:



Ўқувчилардан биттаси келди *(бутун-қисм).*
Ўқувчиларнинг биттаси келди *(таркибий қисм).*




2) Агар уларда умумий контекст бўлмаса, **қўшимча** дистрибуция ҳисобланади:

Қоражон қорнини мошхўрдага тўлдирди.
Қоражон қорнига мошхўрдани тўлдирди.


Эквивалент ва қўшимча дистрибуция икки хил – **қисман ва қўшилган** дистрибуцияга ажратилади:

3) бир дистрибуция бирлиги иккинчи дистрибуция бирлигини қўшиши мумкин: агар *X*(*икс*) Y(*игрик*) учрайдиган барча контекстларда қатнаша олса, лекин шундай контекстлар мавжуд бўлсаки, *Y* қатнашади, *X* қатнаша олмайди, унда *Y* дистрибуцияси *X* дистрибуциясини қўшган бўлади, яъни **қўшилган** дистрибуция ҳисобланади:



Деворни оққа бўяди
Деворга оқни бўяди

4) Икки (ёки ундан ортиқ) элементлар дистрибуцияси ўзаро қисман тўғри келиши мумкин. *X* ва Y қатнаша олган контекстлардан ташқари бошқа контекст мавжудки, иккиси ҳам қатнашади, лекин ички фарқ сезилади, бу **қисман** дистрибуция дейилади:



Отни минди (*ўзи минди).*
Отга минди *(мингашмоқ).*

Кейинги икки дистрибуция формал логик ва математик тушунчалар билан омухталашади, яъни тил бирликларининг ўзаро турли дистрибутив алоқа турлари гуруҳлар (тўплам) логикаси ва кўплик назарияси рамкасида шарҳланади.

Юқорида кўрсатилган ҳар икки олимнинг дистрибутив методлари моҳият эътибори билан бири иккинчисини тўлдиради. Биз ҳар икки методдан фойдаланиб, келишик системаси элементларининг ўзаро функционал-семантик нейтрализациясини дистрибуцияда қиёслаймиз.

Ўзбек тили келишиклари системасини дистрибуцияга туширишда Д.Лайонзнинг «шакл»ларини маъқул топдик ва шу шакллардан фойдаландик.

Бош келишикнинг бошқа келишиклар билан функционал-семантик нейтрализацияси. Бош келишик ўзбек тили келишиклар системасининг биринчи келишиги ҳисобанади. Бош келишик ҳам бошқа келишиклар каби ўзи турган сўз, шу сўзни бошқариб келаётган сўзнинг маъносига қараб, ситуация ва контекстга боғлиқ равишда маълум маънога эга бўлади. Бош келишик муайян маънолар мажмуасига эга бўлиб, конкрет бир контекстда конкрет бир маънони ўзида реаллаштиради:

$$Б_{n} + Б_{1+}\ Б_{2+}\ Б_{3+}\ Б_{4+}\ Б...$$

Бир контекстда бир келишикнинг икки маъноси реаллашиши мумкин эмас, бу маъно реаллашуви, юқорида айтилгандек, келишик турган сўзни бошқариб келаётган сўзга боғлиқ.

$N^{+}б_{1+}V_{1}$; $Nб_{2+}\ V_{2}$; $Nб_{3+}\ V_{3}$ ва ҳ.к.

Шу ҳолат бошқа келишиклар билан ўзаро функционал-семантик нейтраллашувида


қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$N_{ч1}{}^{61+}V_1$ $(N_{-дан}{}^{-O} + V_1)$

Ҳарбий машқ ва дарслар салгина бўшаганда, қўлимга қалам оламан (О.Ҳусанов).

Ҳарбий машқ ва дарслардан салгина бўшаганда қўлимга қалам оламан.

Ушбу мисолни дистрибуцияга туширсак, қисман дистрибуция бўлади.



$N_{ч3}{}^{61+}V_1$ $(N_{-дан}{}^{-O} + V_1)$

Бу гап бош келишик шаклида пайт эргаш гапли қўшма гап, эгаси – машқ ва дарс.



-ганда


Бош келишикдаги сўзлар семантик субъект маъносида келади. Пайт эргаш гапнинг эгаси – *машқ ва дарс*ларга чиқиш келишигининг қўшилиши пайт эргаш гапли қўшма гапни бир бош бўлакли содда гапга (шахси аниқ гап) чиқиш келишиги (иккинчи вариант) шаклида бир составли гап шаклининг қўшилиши қўшма гапни содда гапга (шахси аниқ гап) айлантиряпти, эгаси (У) яширинган. Келишик қўшимчасига бу имкониятни уни бошқариб келаётган сўз – «*бўшамоқ*» беряпти. Яъни «бўшамоқ» сўзи кўп маъноли сўз бўлиб, «бўшамоқ»бирор белгининг озайишини – бўшашмоқ – билдирса, «бўшамоқ» – ҳоли бўлмоқ, ҳоли келмоқ маъносини ҳам билдиради. Шу икки маъно ҳам сўзда имконият сифатида мавжуд, конкрет контекстда келишик қўшимчасининг «турткиси билан юзага қалқиб чиқяпти.

Ҳарбий машқ ва дарслар салгина бўшаганда, қўлимга қалам оламан. Бўшаганда биринчи содда гапнинг кесими, *машқ ва дарсл*арни бошқариб келяпти ва машқ, дарсларнинг озайишини билдиряпти. *Ҳарбий машқ ва дарслардан салгина бўшаганда қўлимга қалам оламан. Бўшаганда* пайт ҳоли вазифасини бажариб, *холи бўлмоқ, холи қолмоқ* маъносини билдиряпти ва бевосита «мен»га боғланади.

Қиёсланг: *У ... салгина бўшаганда; Мен... салгина бўшаганда.*

Ҳарбий машқлардан бўшаб, хордик чиқараётган пайтларимиз ана шундай хаёлларга берилиб кетар эдим (О.Ҳусанов)

Мазкур гапда бош келишикда турган «пайтларимиз» сўзи гапда пайт ҳоли вазифасида турибди ва ўрин келишигининг пайт маъноси эквивалент (эркин) дистрибуция ҳисобланади. *Ҳарбий машқлардан бўшаб, хордиқ чиқараётган пайтларимизда ана шундай хаёлларга берилиб кетар эдим.*



$(N_{-да}{}^{-0} + V_2)$ $N_{ўз}{}^{61+}V_2$

Ушбу мисол тилшунослар ўртасида кўп мунозараларга сабаб бўлаётган ҳақли бир масалани кўндаланг қилади. Яъни шу ҳолат ўрин келишигининг белгисиз қўлланишими ёки бош келишикми? Биз юқорида келишикнинг маъноси келишикни бошқариб келаётган сўзга боғлиқлигини айтгандик, ушбу мисолга ҳам шу принципда ёндашилса, масала ойдинлашади. Ўрин келишигининг пайт маъноси пайт сўзининг маъно «майдони»га бевосита эркин тушиши ва чиқиши мумкин. «Пайт» сўзининг маъноси (шу ҳолатда) пайт, ўрин келишигининг шу контекстдаги маъноси ҳам пайт. Ўрин келишигининг пайт сўзига қўшилиши пайт маъносини ўзгартирмайди, яъни «ноль» даражага эга бўлади. «Ноль» даража ўз-ўзидан бош келишик билан семантик нейтраллашади. Шу ҳолатни келишикларнинг ўзаро синтактик вариантдошлиги дейиш мумкин.

Бола сойдан пастга тушиб, нафсини ором олдириб, тез қайтди (О.Ҳусанов)


Ушбу келишикда турган тез сўзи ўрин келишигини ҳам қабул қила олади, бу ҳолатда бош ва ўрин келишиги қисман (контраст) дистрибуция ҳисобланади.

Тез сўзи пайт ва ҳолат маъносни

билдиради. *Тез* сўзи бош келишикда турса, ҳолат, яъни иш-ҳаракатнинг бошланиш тезлигини билдиради, ўрин келишигида турса, пайт маъносини билдиради. Ушбу контекстда бош ва ўрин келишиги ўзаро маъно жилоси билан фарқланади:

Тез гапирди *(гапиришнинг тезлиги, темп*)
Тезда гапирди *(вақтни ўтказмай тез гапирди)*
Қиёсланг: *тез қайтди, тезда қайтди*.

Бунда ҳаракатнинг бажарилиш тезлиги билан ҳаракатнинг бажарилиш пайти омухталашади, лекин «тезда қайтди»даги пайт маъноси «тез қайтди»даги пайт маъносидан устун.



$N_{ў2}^{63+}V_2$ $(N_{-да}^{-0}+V_2)$

…қўлимдаги сочиққа кўзим тушди-ю, ҳали юзимни ювмаганлигимни эслаб, хижолат чеккандек сой томон югуриб кетдим (О.Ҳусанов)


Сой томон югуриб кетдим бирикмасининг ҳоким бўлаги – бошқариб келаётган сўз – «югуриб кетмоқ» маъносидан йўналиш англашилади. *Томон* кўмакчиси бевосита йўналишни билдириб, жўналиш келишиги билан бевосита маълум даражада функциядош ҳисобланади, шунинг учун *сой* сўзи билан *югуриб кетмоқ* сўзларини семантик жиҳатдан боғлай олади. Бу йўналиш келишигининг маъноси *томон* кўмакчисининг маъноси билан бир хил дегани эмас. *Томон* умумий йўналишни билдиради, жўналиш келишиги конкрет йўналишни билдиради. *Мактаб томон кетди* – аниқ мактабга кетди эмас. Шу мисолда жўналиш келишигининг қўшимчасига қараб йўналишнинг конкретлашишини кузатиш мумкин:

Мактаб томон кетди.
Мактаб томонга кетди.
Мактабга томон кетди.
Мактабга кетди.

Юқорида берилган мисолларда жўналиш келишиги, шу жумладан, *томон* кўмакчиси ҳам бош келишик билан дистрибуцияга киришади.

Бу дистрибуция қўшилган дистрибуция ҳисобланади. Бош келишик жўналиш келишиги (ёки томон кўмакчиси) ўрнида кела олади, жўналиш келишиги (томон кўмакчиси ҳам) бош келишик ўрнида кела олмайди.

$N_{ж1}^{64+}V_2$ $(N_{-га}^{-0}+V_2)$



Машина бепоён адирда наъра тортиб борар, йўлнинг икки тарафида ҳосили ўриб олинган ғаллазорлар биз томонга келаётгандай (О.Ҳусанов) Бу гапда ҳам икки келишик – бош ва жўналиш – қўшилган дистрибуция мавжуд.

Шошилгандан оёғим чўпакка илиниб қолибди.

Бош келишикда турган сўз жўналиш келишиги билан семантик алмашинади. Бу ҳолатнинг юқоридаги ҳолатдан фарқи субъектнинг объектга, объектнинг субъектга айланишидир. Жўналиш келишигининг бош келишик билан семантик алмашинувини чиқиш келишиги билан ўрин келишигининг семантик алмашинуви таъминлайди.

Шошилганда оёғимга чўпак илиниб қолибди.

Бу икки ҳолат мантиқий жиҳатдан фарқланади. Икки келишикнинг ўзаро қўлланиши бир ҳодисанинг икки хил ҳолатини билдиради. Яъни биринчи гапда оёқ – субъект, гапнинг эгаси, иккинчи гапда чўпак – субъект, гапнинг эгаси, оёқ – объект.

Демак, бош келишик юқорида келтирилган жўналиш, ўрин, чиқиш келишиклари билан кучсиз позицияда функционал-семантик жиҳатдан нейтраллашади ва бу нейтраллашувнинг маъно жилоси дистрибцияда аниқланади.

Бош келишик
Қаратқич келишиги
Тушум келишиги
Жўналиш келишиги
Ўрин келишиги
Чиқиш келишиги

Қаратқич ва тушум келишиклари бош

келишик билан дистрибуцияга киришмайди. Ҳар икки келишикнинг белгисиз қўлланиши шу келишикларнинг бир варианти ҳисобланади. Чунки ҳар икки келишикнинг белгисиз қўлланиши ҳам семантик, стилистик функция бажаради.

Хулоса қилиб айтганда, бош келишик келишик парадигмасининг аъзоси сифатида барча келишиклар билан кучли позицияда оппозицияга киришади ва бош келишикнинг кучли позицияси ўзининг мустақилигини таъминлайди. Бош келишик кучли позицияда семантик жиҳатдан субъект, предикат, объект, атрибут, релевант, грамматик (синтактик) жиҳатдан эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол маъноларини ифодалайди. Субъект маъноси ҳаракат, ҳолат, муносабат, эгалик, мавжудлик, қиёслаш, функционаллашиш, идрок қилиш, баҳолаш, қариндошчилик субъектларини ифодалайди. Объект маъноси пассив конструкцияларда субъект актанти, восита, сигнификатив кучли позиция гапларда интеллектуал-эмотик объект маъноларини ифодалайди. Бош келишикнинг аниқловчи маъноси жуда чекланган, асосан, изоҳловчи ва аниқловчи – субъект маъносида бўлади. Ҳол маъноси: расмий иш қоғозларида, сабаб, пайт маънолари каузал конструкцияларда постпозитив ва препозитив ифодаланади.

Бош келишик анжуман, мажлис, йиғин, дарс вазиятларида модал маъно, императив модал маъно, муносабат модал маъно ифодалайди.

Бош келишик грамматик-семантик кучсиз позицияда чиқиш келишигининг объектдан ажралиш маъноси билан, ўрин келишигининг пайт, ҳолат маъноси билан, жўналиш келишигининг йўналиш маъноси билан оппозицияга киришади.

Адабиётлар:

1. *Боас Ф.* Введение к «Руководству по языкам американских индейцев» (Извлечения) // Звегинцев В. А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. В 2-х частях. Часть II. – Москва: Просвещение, 1965. – 496 с.

2. *Сепир Э.* Язык. Введение в изучение речи. – Москва: СОЦЭКГИЗ, 1934. – 221 с.

3. *Сепир Э*. Избранные труды по языкознанию и культурологии: Пер. с англ. / Общ. ред. и вступ. ст. А.Е. Кибрика. – Москва: Прогресс, 1993. – 656 с.

4. *Блумфильд Л*. Ряд постулатов о науке о языке: // Звегинцев В. А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. В 2-х частях. Часть II. – Москва: Просвещение, 1965. – 496 с.

5. *Блумфильд Л.* Язык. /Перевод с английского Е.С.Кубряковой и В.П.Мурат. – Москва: Прогресс, 1968. – 608 с.

6. *Степанов Ю.С.* Основы общего языкознания. – Москва: Просвещение, 1975. – 271 с.

7. *Лайонз Дж.* Введение в теоритическую лингвистику. – Москва: Прогресс, 1978. –544 с.

8. *Степанов Ю.С*. Проблемы классификации падежей // Вопросы языкознания, 1968. – № 6. – С. 36–48.

9. *Кононов А.Н*. Грамматика современного узбекского литературного языка. – Москва–Ленинград: Наука, 1960. – 450 с.

10. *Ҳожиев А.* Лингвистик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи. 1985. – 144 б.

11. *Тираспольский* Г.И. Вокатив и падежная система // Филологические науки, 1984. No 2. Pp. 49-53.

FUNCTIONAL-SEMANTIC NEUTRALIZATION OF THE UZBEK LANGUAGE CASE SYSTEM

Z. Kodirov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 108-115.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: grammatical category, functional-semantic relationship, neutralization, agreement, general agreement, focus agreement, contrast distribution, free distribution, equivalent distribution.

The article describes the functional and semantic relations between the elements of the consonant system, which is the oldest and most rational element of the grammatical category.

The elements of the system of agreement are functionally - semantically in dialectical unity. Each grammatical system element (agreement) has a specific system of meanings. One of the infinite (more than one) meanings of one agreement (for example, direction) is functionally-semantically neutralized in the «weak»position with one of the infinite meanings of another agreement (for example, revenue). The elements of a system must have equal value under certain general conditions under certain conditions. In particular, the elements of the consonant system are of equal value under certain conditions, on the basis of a certain sign, that is, the elements of the consonant, regardless of their external form, are essentially added to the noun or words functioning as nouns to ensure their syntactic connection with other words, it aslo leads to mutual functional-semantic neutralization.

The main agreement is the first agreement of the Uzbek language agreement system. A general agreement, like other agreements, has a specific meaning depending on the situation and context, depending on the meaning of the word that governs that word.

The nominative case is functionally-semantically neutralized in a weak position with the nominative, ablative, genetive cases and the meaning of this neutralization is determined in the distribution.

Dative and accusative agreements do not enter the distribution by general agreement. The unmarked application of both agreements is a variant of these agreements, because the indefinite use of both conjunctions also has a semantic, stylistic function.

In short, the nominative case, as a member of the Accord Paradigm, enters into a strong opposition with all cases, and the strong position of the nominative case ensures its independence. The nominative case in a strong position semantically represents the meanings of subject, predicate, object, attribute, relevant, grammatically (syntactically), predicative, determiner, complement, and case. Subject meaning refers to the subjects of action, situation, attitude, ownership, existence, comparison, functionalization, perception, evaluation, kinship. The meaning of the object represents the meanings of the intellectual-emotional object in the passive constructions, the subject actant, the means, the signifiable strong position sentences. The determinative meaning, the descriptive meaning of the general agreement is very limited, mainly in the interpretive and determinative - subject sense. The meaning of the case: in official worksheets, the meanings of cause and time are expressed postpositively and prepositively in causal constructions.

The nominative case represents the modal meaning, the imperative modal meaning, the modal meaning of the attitude in the context of a meeting, assembly, course.

References:

1. Boas, F. (1965) Vvedenie k «Rukovodstvu po yazykam amerikanskih indejcev [Introduction to the «Guide to American Indian Languages]. In: Zvegincev V.A. Istoriya yazykoznaniya XIX–XX vekov v ocherkah i izvlecheniyah [History of linguistics of the XX-XX centuries in essays and extracts]. In 2 parts. Part 2. Moscow: Prosveshchenie.

2. Sepir, E. (1934) *Yazyk. Vvedenie v izuchenie rechi* [Language. Introduction to the study of speech]. Moscow: SOCƏKGIZ.

3. Sepir, E. (1993) *Izbrannye trudy po yazykoznaniyu i kul'turologii*. Translation from English: A.E. Kibrika. Moscow: Progress.

4. Blumfil'd, L. *Ryad postulatov o nauke o yazyke* [A number of postulates about the science of language]. In: Zvegincev V.A. Istoriya yazykoznaniya XIX–XX vekov v ocherkah i izvlecheniyah [History of linguistics of the XX-XX centuries in essays and extracts]. In 2 parts. Part 2. Moscow: Prosveshchenie.

5. Blumfil'd, L. (1968) *Yazyk* [Language]. Translation from English: E.S.Kubryakovoj i V.P.Murat. Moscowa: Progress.

6. Stepanov, Yu.S. (1975) *Osnovy obshchego yazykoznaniya* [Fundamentals of General Linguistics]. Moscow: Prosveshchenie.

7. Lajonz, Dzh. (1978) *Vvedenie v teoriticheskuyu lingvistiku* [Introduction to Theoretical Linguistics]. Moscow: Progress.

8. Stepanov, Yu.S.(1968) Problemy klassifikacii padezhej [Case classification problems]. *Voprosy yazykoznaniya*. No 6. Pp. 36-48.

9. Kononov, A.N. (1960) *Grammatika sovremennogo uzbekskogo literaturnogo yazyka* [Grammar of the modern Uzbek literary language]. Moskva-Leningrad: Nauka.

10. Hojiev, A. (1985) *Lingvistik terminlarining izohli lug'ati* [Glossary of Linguistic Terms]. Tashkent: O'qituvchi.

11. Tiraspol'skij, G.I.(1984) Vokativ i padezhnaya sistema [Vocative and case system]. *Filologicheskie nauki*. No 2. Pp. 49-53.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Қодиров Зиёдин Мамадиевич – филология фанлари номзоди. Андижон давлат университети, Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти. E-mail: z.qodirov1963@gmail.com